



Тошкент шахри, Олмазор туманида жойлашган «Шаршара» бренди остида гўшт махсулотларини ишлаб чиқарувчи Gold Premium Product МЧЖга тегишли корхона кўздан кечирилганда, 69,6 кг. эшак гўшти бошка гўшт турларига кўшиб юборилгани аникланди. Бу хакда ишончли маълумотга таянган холда Kun.uz муҳбири хабар берди.

Маълум бўлишича, Хоразм вилоятида истикомат килувчи фукаро Ш.Р. хамда Г.А. режасини амалга ошириш учун хоразмлик С.Ж. оркали 69,6 кг. микдоридаги эшак гўштини «Шаршара» гўшт ишлаб чиқариш корхонасига ўтказмокчи бўлган. Бу ишни бажариш учун гўшт А.А.га етказиб берилган. Мазкур гўштни кабул килиб олган цех ишчилари уни ўша захотиёк бошка турдаги гўштларга кўшиб юборади.

Тадбир давомида цех кўздан кечирилганда, кўриниши ва хидидан сифатсиз махсулотга айланган 275 кг. гўшт махсулоти ашёвий далил сифатида олиб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Санитар эпидемиология назорат маркази ахборот хизматининг Kun.uz'га хабар килишича, корхонадан олиб кўйилган 275 кг. гўшт хакикатан истеъмолга яроксиз экани экспертиза хulosаси оркали тасдикланди.

Мазкур иш юзасидан цех ишчилари Р.Г., Н.З., фукаро А.А ва С.Ж. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186-моддаси 1-кисми, яъни «истеъмолчиларнинг хаёти ёки соглиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш максадини кўзлаб ишлаб чиқариш, саклаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш»да айбланиб, уларга нисбатан жиноий иш кўзгатилган.

Манба: Кун.Уз